

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРГА ИЖТИМОИЙ ДАХЛДОРЛИК ФАЗИЛАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

РАЗВИТИЕ ХАРАКТЕРА СОЦИАЛЬНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ У СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ОБРАЗОВАНИЯ В ВЫСШЕМ ОБРАЗОВАНИИ

DEVELOPING THE CHARACTER OF SOCIAL RESPONSIBILITY IN STUDENTS IN THE PROCESS OF EDUCATION IN HIGHER EDUCATION

**Samarqand iqtisodiyot va servis instituti Axborot texnologiyalari kafedrasи o‘qituvchisi.
Karimov T.X.**

**Самаркандский институт экономики и сервиса, кафедра информационных
технологий, преподаватель. Каримов Т.Х.**

Аннотация. Мақолада фуқаролик жамияти барпо қилишда дахлдорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Ёшларга таълим тарбия беришда ва фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёнида аҳоли, энг аввало, ёшларнинг ислоҳотларга дахлдорлигини мустаҳкамлашни таъминлайдиган ижтимоий ахлоқни ҳимоя қилиш ва маънавиятни юксалтириш муаммолари, уларнинг дахлдорлик фазилатларини ривожлантиришнинг назарий, амалий аҳамияти тадқиқ қилинган. Муаллиф талабаларда ижтимоий дахдорлик фазилатини ривожлантиришга ҳамда бўлғуси кадрларнинг ўзини тута билиши, ҳаётй стратегиясини таҳлил қила олиши каби ҳаётй истиқболларга эътибор қаратган.

Калит сўзлар: дахлдорлик, модернизация, Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, баркамол шахс, фуқаролик жамияти, миллий анъаналар.

Аннотация. В статье акцентируется внимание на проблеме иммунитета при восстановлении гражданского общества. Проблемы защиты общественной нравственности и поднятия духовности, обеспечивающие укрепление населения, прежде всего, вовлечение молодежи в реформы, в процесс воспитания молодежи и формирования гражданского общества, теоретическое, практическое значение развития их гениальные качества были исследованы. Автор акцентировал внимание на развитии социального гения у студентов и на жизненных перспективах, а также на умении будущих кадров вести себя, анализировать свою жизненную стратегию.

Ключевые слова: неприкосновенность, модернизация, мир на земле, процветание Родины, гармоничная личность, гражданское общество, национальные традиции.

Фуқаролик жамиятини қарор топтириш халқимизнинг маънавий фазилатлари юксалишига боғлиқ. Бироқ глобаллашув шароитида маънавиятнинг саёзлашувидек улкан муаммо юзага келмоқда. Терроризм, миссионерлик, диний экстремизм, “оммавий маданият”, гедонизм, эскапизм, дауншифтинг, лоқайдлик, бефарқлик, ахборот хуружи ва оиланинг глобал инқирози каби иллатларнинг пайдо бўлаётгани шулар жумласидан. Уларнинг барчасига ёшлар тарбиясидаги хато-камчиликлар, маънавиятнинг қашшоқлашуви сабаб бўлмоқда. Фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида дахлдорлик тарбиясига етарли даражада эътибор қаратилмаслик оқибатида шундай жараён юз бермоқда. Маънавий қашшоқлашув ўз-ўзидан одамнинг ўз халқи, Ватанига дахлдорлигининг заифлашувига олиб келади. Ахборот хуружи ва бузғунчи ғояларга қарши тура оладиган мафкуравий иммунитетнинг шаклланиши ҳам дахлдорликнинг даражасига бевосита боғлиқ. Чунки дахлдор инсоннинг мафкуравий иммунитети кучли бўлади. Мафкуравий иммунитетга эга бўлган шахснинг эса маънавияти янада юксалиб боради. Сабаби унга маънавий таҳдид ва мафкуравий хуружлар зарар етказа олмайди. Шу билан бирга, ана шу хуружларга қарши курашишни яхши ўрганиб олади. Лоқайд бўлмайди. Шу сабабли фуқаролик жамияти барпо қилишда дахлдорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Буларнинг барчаси бизни фуқаролик жамиятининг шаклланиш жараёнида аҳоли, энг аввало, ёшларнинг ислоҳотларга дахлдорлигини мустаҳкамлашни таъминлайдиган

ижтимоий ахлоқни ҳимоя қилиш ва маънавиятни юксалтириш муаммоларини таҳлил қилишга ундиади.

Ана шундай глобал инқизонинг мамлакатимизга кириб келиш таҳди мавжуд ва буни ўз вақтида англаб олиш ўта муҳим. Шунинг учун инсонлардан лоқайдликка қарши даҳлдорлик талаб этилади. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда: “...Биз бугун ахборот глобаллашуви даврида яшаяпмиз. Биз истаймизми, йўқми, юртимизга турли кўринишдаги ахборот хуружлари бўлиши табиий. Ана шундай хуружларга қарши аҳолида, айниқса, ёшларда иммунитетни мустаҳкамлаш, уларни миллий қадриятларимиз ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда телевидение ва радионинг ўрни бекиёсдир” дея таъкидлаши айни ҳақиқат.

Талабаларда ижтимоий даҳлдорлик фазилатларини ривожлантиришнинг фалсафий, ижтимоий-антропологик масалалари А.Бегматов, А.Маврулов, Г.Туленова, Ж.Туленов, М.Каҳҳарова, Э.Юсупов ва бошқаларнинг изланишларида тадқиқ қилинган.

Ижтимоий даҳлдорлик субъектнинг жамоа, гурӯҳ ва уюшмалар билан мулоқотда бўлиш, атрофидагилар билан ҳамкорлик қилиш, тенгдошлари ва катта-кичик олдида маълум мажбуриятларни ижодий бажариш, тадбиркорлик кўрсатиш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва бошқа жараёнларда фаол иштирок этиш малакаларини ўз ичига олади. Ижтимоий даҳлдорликнинг юқори даражаси инсоннинг шахсий такомиллашишига, яъни индивидуал ривожланиши, такомиллашишига йўналган онгли ва тизимли фаолияти – ўз-ўзини тарбия қилишга интилишдир. Ижтимоий даҳлдорлик инсонда бирданига шаклланмайди, балки умри давомида камол топиб боради. Шахс фаолияти маънавий ишлаб чиқариш соҳаси билан белгиланган ҳолда ҳам онгнинг, ҳам ўз-ўзини англашнинг шаклланиши ва намоён бўлишини, шунингдек, тафаккур фаолиятини қамраб олади.

Ёшларда даҳлдорлик фазилатини муваффақиятли ривожлантиришда қўйидаги чора

-тадбирларни назарда тутиш алоҳида аҳамиятга эга:

- мамлакатимизни модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларнинг маъно ва моҳиятини ёшлар онгига чуқур сингдириш, уларнинг жамиятдаги янгиланишлар йўлини кенг кўллаб-куватлаши ва ушбу жараёнлардаги ижтимоий фаоллигига эришиш;

- ёшларда ислоҳотларнинг бориши тўғрисида билимларини ошириш орқали жамият ҳаётида онгли фуқаро, эркин шахс сифатида иштирок этиш малакаларини шакллантириш;

- таълим муассасаларида ислоҳотлар натижаларини миллий мағкурамизнинг асосий тамойилларининг рўёби сифатида кенг тарғиб қилиш мақсадида ўсмирларнинг ёшига мос равишида кўргазмали, видео ва аудио маҳсулотлар, босма нашрлар тайёрлаш, маърифий тадбирлар уюштириш;

- таълим муассасаларида ўтадиган маънавий-маърифий тадбирларга давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарларини, таниқли олимлар, ижодкор зиёлиларни, пешқадам тадбиркорлар ва қишлоқ хўжалик, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарларини жалб этиш орқали ёшларда даҳлдорлик фазилатини намоён қилишлари учун қулай шароит яратиш, бу орқали уларни Ватан, эл-юрт учун хизмат қиласидаган, жонкуяр, фидойи фарзандлар этиб тарбиялаш;

- ҳар бир ёшнинг Юорт тинчлиги, Ватан равнақи, ҳалқ фаровонлиги, ижтимоий ҳамкорлик, комил инсон, миллатлараро тотувлик, динлааро бағрикенглик ғоялари рўёби ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш масаласини илмий-педагогик таъминлаб бориш тақозо этилмоқда.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, ижтимоий даҳлдорлик тушунчасига қўйидагича таъриф бериш мумкин:

Ижтимоий даҳлдорлик – шахснинг атроф-муҳит, жамиятда кечеётган жараёнларга бўлган муносабатларининг интеграл тизими бўлиб, унинг индивидуал-типологик ва умри давомида шаклланиб борувчи ижтимоий шартланган хусусиятлари билан характерланади.

Булғуси кадрларнинг ижтимоий даҳлдорлик фазилати, ўзини тута билиши, ҳаётий стратегиясини таҳлил қила олиши ҳаётий истиқболларни, жамоатчилик ҳаётида ифода этиши:

- ватанпарварлик ва Ватанга содиқлик даражаси;
- ёшларни хавотирга солувчи муаммолар;
- ўзини ижтимоий ҳис этиш;
- устувор ҳаётий қадриятлар ва режалар;
- ижтимоий етуклик даражаси;

Таълим-тарбия жараёнида талабалар ижтимоий даҳлдорлик фазилатларини ривожлантиришда қуидаги компонентларга асосланиш зарур:

- иқтисодиёт асосларини билиш;
- меҳнатсеварлик, тежамкорлик;
- чет тилларни ўрганиш;
- миллий ва диний урф-одатларни билиш;
- соғлом турмуш тарзи;
- жисмоний тобланиш;
- эстетик дид, яхши амаллар;
- озодалик, атроф-муҳитни ободонлаштириш ва оила фаровонлигини таъминлаш;
- эрудиция, компентентлилик;
- тадбиркорлик, рақобатбардошлилик, бошқариш қобилияти;
- киришимлилик;
- ижодий профессионал фикрлаш қобилияти, тарихни, турли халқлар маданиятини билиш ва ҳоказо.

Шундай экан, талабаларнинг ижтимоий даҳлдорлик фазилатлари ривожланишида унинг индивидуаллиги намоён бўлади[6, 42]. Олий таълим муассасалари талабаларида ижтимоий даҳлдорлик уларнинг ижтимоий-сиёсий, меҳнат, билиш жараёнлари, кундалик турмуш тарзи, муайян билимлар ҳажми ва жамиятдаги ахлоқ меъёрларини ўзлаштириши орқали ривожлантирилиб борилади.

Миллий анъаналар, беллашув (индивидуал ва гурухли мусобақа), назорат, жамоавий жипслик, жамоавий фикр, жамоадаги ўзаро үйғун кайфият, ҳисботлар, йиғилиш, эришилганларни мухокама қилиш ва баҳолаш, мушкул вазиятларда дўстларга ёрдам бериш, кўмаклашиш қабилар ҳам талаба шахсини фаоллаштиради. Айниқса, маънавий-ахлоқий.

Сифатларни шакллантириш, тарбиявий (ижтимоий-фойдали фаолият, беморлар, кекса кишилар ва ногиронларга ёрдам кўрсатиш, табиатни муҳофаза этиш, вояга етмаган ҳукуқбузарлар билан ишлаш, шанбаликларда иштирок этиш, бадиий ижодкорлик ва ҳоказо) вазифаларни амалга ошириш, тартиблилик, яхши муомала, ижтимоий топшириқ, фаолиятни моделлаштириш, ички (психологик) қийинчиликларни ва қўнгилсизликларни бартараф этиш, муаммоларни ҳал қилиш йўлларини биргаликда излаш, тажрибага асосланиш, талаб, тренинг, бошқаларга ёрдам кўрсатиш, тажриба орттириш ҳамда психо-педагогик тестлар ўтказиш қабилар муҳим ҳисобланади. Шунингдек, талабалар ижтимоий даҳлдорлик фазилатларини шакллантиришдамасъуллик ҳиссини ошириш қабилар ҳам талаба шахсини ривожлантиради.

Даҳлдорлик фазилати одамнинг ижтимоий мавжудот сифатидаги манфаатларидан келиб чиқиб, ўз функциясини бажариши ёки бажармаслигини белгилайди. Бугунги кунда лоқайдлик туфайли тиклаб бўлмас оғат, жиноят, ҳалокатлар содир бўлаётган экан, даҳлдорликни ҳар бир ўзбекистонлик ёш йигит-қизнинг етакчи фазилатига айлантириш ўта муҳим ижтимоий педагогик заруратга айланди.

Бугунги кунда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳанинг фаол иштирокчиси бўлган талаба-ёшларда бефарқлик кайфиятини йўқотиб, даҳлдорлик туйғусини ривож топтириш долзарбdir. Мазкур муаммога оид турли нуқтаи назарлар, фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда қайд этиш мумкинки, ёшларнинг даҳлдорлик фазилати таълим, тарбия үйғунлигига, интеллектуал, эмоционал ва амалий фаолияти билан боғлиқликда шакллантирилиши керак.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА

1. Каримов Т.Х. Средства И Методы Инновационного Менеджмента Инновационными Стартапами. Министерство науки и высшего образования Российской Федерации ФГБОУ ВО «Удмуртский государственный университет» Институт экономики и управления технологическое и социальное предпринимательство. 21.11.2023 года Международной научно-практической конференции.
2. T. X. Karimov Improving Digital Platforms On The Public Procurement Market In The Modern Russian Economy. BEST JOURNAL OF INNOVATION IN SCIENCE, RESEARCH AND DEVELOPMENT ISSN: 2835-3579 Volume:02 Issue:07|2023 www.bjisrd.com
3. T. X. Karimov Development Status and Prospects of Telemedicine Technologies BEST JOURNAL OF INNOVATION IN SCIENCE, RESEARCH AND DEVELOPMENT ISSN: 2835-3579 Volume:2Issue:6|2023 www.bjisrd.com
4. T. X. Karimov Theoretical Aspect of Technologies of Teaching a Foreign Language as a Second Language. BEST JOURNAL OF INNOVATION IN SCIENCE, RESEARCH AND DEVELOPMENT ISSN: 2835-3579 Volume:2Issue:6|2023
www.bjisrd.com
5. Karimov Tolmasbek Xolmo‘min o‘g’li BARMOQ IZI YORDAMIDA DAVOMATNI ANIQLASH TIZIMI. IQTISODIYOT VA ZAMONAVIY TEXNOLOGIYA JURNALI, 2(1), 6–9. Retrieved from <https://mudarrisziyo.uz/index.php/iqtisodiyot/article/view/201>
6. Б.Исабеков, С.Усмонов, “Таълим тизимида инновацион технологиялардан фойдаланиш ҳозирги замон аниқ технологик илмларни масалалари ва уларнинг ёнимлари” Республика илмийамалий конференция, Нукус, 2018-й.
5. Виленский М.Я., Зайцева С.Н. Педагогические основы формирования опыта творческой деятельности будущего учителя. / Учебное пособие. – Москва: МГПУ, 1993.
6. Мъянавий-ахлоқий қадриятлар ва уларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни. – Тошкент, 2004.
7. Сиддиқов И.Б. Государственная политика в отношении молодежи в Узбекистане: национальный опыт и реальная необходимость международных инициатив // Четырнадцатые Ямбургские чтения Условия социально-экономического развития общества: история и современность: Материалы международной научно-практической конференции. – Санкт-Петербург, 2019.
8. Сериков. В.В. Личностно ориентированное образование. // Журнал «Педагогика»: М., 2004, май.
9. Шерманов Э.У. Ўсмирларда ислоҳотларга даҳлдорлик фазилатини ривожлантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Самарқанд, 2020.